



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил

3

май, чоршанба

№34

(11.219)

Эркин нархда сотилади

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Деҳли, 2 май. ЎзА махсус мухбири Беҳзод Усмон хабар қилади:

Эрталаб “Раштрапати Бхаван” майдонида давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Майдонда мамлакатимиз Сухбат чоғида ўзаро алоқалар раҳбарини Ҳиндистон Президенти Коҷерил Раман Нараян ва бош вазир Атал Бихари Ватпаи қарши олди. Ислам Каримов махсус шоҳсунага кўтарилиб, икки давлат мадҳиялари янгради. Президент фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шу ернинг ўзида Ислам Каримов Ҳиндистон оммавий-ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Ҳиндистон давлат делегацияси билан соҳаларда, энг аввало, хавфсизлик борасида ҳамкорликдан маффаатдор эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ислам Каримов Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиси Махата Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

“Раштрапати Бхаван” қароргоҳида Ислам Каримов Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири лари тўғрисидаги кўшма баёжасант Сингхни қабул қилди.

жиноят-қидирув ишлари ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартномалар, ҳукуматлараро кредит битими, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим соҳасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум, маданият соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашуви ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги протоколлар, боғжона органларининг ўзаро ёрдами ҳақидаги битим, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Ҳиндистоннинг “Пресс Траст Оф Индия” ахборот маҳкамаси ўртасида касбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оқшом “Ҳайдаробод” саройида Ҳиндистон Бош вазири номидан Президент Ислам Каримов шарафига қабул маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳиндистон республикасида давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ҳиндистон матбуоти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифини кенг ёритмоқда. Ташриф бошлангунга қадар ушбу давлатнинг нуфузли газеталари саҳифаларида Ўзбекистон тўғрисида, республиканинг бугунги кунини, унинг сўнгги йилларда иқтисодийнинг барча соҳаларида эришган ютуқлари, шунингдек, Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларининг ривожланиш истиқболларига доир қатор мақолалар чоп этилди.

“Нэшионал Хералд” Аҳмад ал-Фарғоний, умуммиллий газета- Абу Райхон Беруний ва сининг “Ўзбекистон: бошқаларга бағишлан- мустақилликнинг сак- ган мақолалар ўрин киз йили” номи ма- олган. Ўзбекистоннинг қоласида мустақиллик сайёҳлик соҳасидаги йилларида республика салоҳияти, шунингдек, босиб ўтган йўл ва қадимий шаҳарлари — давлатимизнинг сиё- Самарқанд, Бухоро ва сий тизими ҳақида гап Хива тўғрисида ҳам ат- боради. Газетхонлар рофлича маълумотлар Ўзбекистон автомобил берилган.

Мақолада республи- тининг ривож, ўзбек канинг иқтисодий ютуқ- халқининг маданий, ларига, хусусан, унинг тарихий ва маънавий нефть ва дон мустақил- мероси билан батаф- лигига эришганлигига сил танишиш имкони- алоҳида эътибор қара- га эга бўлади. Урта тилади.

Осиёнинг буюк олиму Ҳиндистоннинг етак- мутафаккирлари чи газеталаридан бири

— “Ҳинду”нинг саҳи- фаларида “Деҳли ва Тошкент терроризмга қарши чораларни му- хокама қилади” деб номланган яна бир мақола чоп этилган. “Ўзбекистон Прези- дентининг Ҳиндистон- га ташрифи аввалам- бор сиёсий аҳамият касб этади ва бўла- жак музокаралар мин- тақавий хавфсизлик муаммоларига бағиш- ланади”, деб таъкид- лайди газета.

Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари- нинг жиддий эътибо- ри ва чоп этилган мақолаларнинг тахли- ли давлатимиз раҳба-рининг ташрифига бу мамлакатда қизиқиш- гоят катталигидан ва бўлажак музокаралар давомида муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар кўлами нақадар кенг ва дол- зарб эканлигидан да- лолатдир.

“Ҳажон” АА.

ВИЛОЯТ ҳаёти

“ЯГОНА БУЮРТМАЧИ” ХИЗМАТИНГИЗДА



Олмалиқ шаҳрида аҳолига коммунал хиз- мат кўрсатишни яхши- лаш бўйича “Ягона бу- юртмачи” хизмати фао- лияти йўлга қўйилди. Энди одамлар иссиқ ва совуқ сув, газ, иссиқлик

билан таъминлаш, чи- қиндиларни ташиш би- лан боғлиқ муаммолар юзасидан турли идора- ларга югуриб юрмайди- лар. Мабодо мушкуллик- лар рўй бергудек бўлса, ҳар қандай масалани “Ягона буюртмачи” ўзи хал қилади.

Айни пайтда барча коммунал хизмат тўлов- ларини аҳолидан унди- риш, қабул қилишни ҳам ана шу ташкилот ўз зим- масига олган.

Сайдвали ҲАСАНОВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

Вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларида анъанавий «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танло- ви бўлиб ўтмоқда. Бу кўриқларда асосан Ва- тан мадҳи, она юртимиз тимсоллари ҳақида куй ва қўшиқлар янграмоқ- да. Кунини кеча оққўрғон- ликлар ҳам шундай тад- бирлардан бирининг гу- воҳи бўлилар.



Ўринга лойиқ деб топил- ди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса, тумандаги Б. Зокиров номи мусиқа мактаби хор жамоаси ҳамда 3-мактабнинг “Ка- малак” гуруҳига насиб этди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

“СИЗ ТАРИХНИ БИЛАСИЗМИ?”



ЧИРЧИҚДА ўрта-мах- сус хунар-техника билим юртлари талабалари ва ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов шу мавзуга бағишланди. Унда давлат техника кол- лежининг “Истиқлол”, индустриал техникуми- нинг “Мерос”, тиббиёт билим юртининг “Ватан- парвар” ва бошқа гуруҳ- лар катнашдилар. Танлов жараёнида улар Ватани- миз тарихи бўйича би- лимларини, театрлашти- рилган сахналар асоси- да ажодларимиз сий- мосини, кундалик ҳаёти- мизда содир бўлаётган тарихий воқеаларни жонлантирдилар.

Тўрт босқидан ибор- ат бўлган мажмуи билимлар синовидида “Ис- тиклол” гуруҳи аъзолари танловга пухта тайёргар- лик билан келганликлари намоёйиш этдилар ва ғолиб бўлишди. Ик- кинчи ўрин эса “Мерос” гуруҳига насиб этди. Ғо- либлар республика “Ка- молот” ёшлар жамагма- сининг шаҳар бўлими, Чирчиқ индустриал тех- никиumi маъмурияти то- монидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Салима ЯМИЛОВА.

ХУҚУҚИ БОРНИНГ БУРЧИ ҲАМ БОР

Чиноз туманида рес- публика ва вилоят адлия идоралари вакиллари, хуқуқшунос олимлар ҳамда маҳаллий тадбир- кор ва ишбилармонлар иштирокида давра суҳ- бати ўтказилди. Унда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, ка- фолатлари ҳақида сўз борди.



Кундалик фаолиятга боғлиқ масалалар ечими борасидаги савол-жа- м

Орзикул МАЪМУРОВ.

“БОҒЧА МААНАКАШИ”



ОҚҚҮРҒОНДАГИ 7-бо- лалар боғчасида шу мав- зуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. “Соғлом авлод” иили муносабати билан уюштирилган бу тадбир- да шундай муассасалар- нинг тайёрлов гуруҳлари тарбиячилари катнашди-

лар. Улар эзгулик, чақ- қон ишлаш, рақслар ижро этиш, ўзини таништириш, бадан тарбия машғулот- ларини уюштириш, па- зандалик, қушлар ҳақида шеърлар айтиш бўйича мусобақалашдилар. Кўрик-танловда 7-бо- лалар боғчасининг тайе- ров гуруҳи тарбиячиси Ўлноза Йўлдошева ғолиб бўлди ва унга “Боғча маликаси” номи берилди. Ғолибга “Наврўз” хайрия жагм- армаси туман бўлими таъсис этган эсдалик совғаси топширилди.

Малика ТУРДИБЕКОВА.

БАНКЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Хабар қилингандек, Тошкентда Осиё ва Тинч океани худуди молиявий ривожланиш институтлари уюшмаси (АФИРАТО) директорлари кенгашининг 51 мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур ташкилот делегацияси ташрифи доирасида Ўзбекистон банклар уюшмаси раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув натижасида АФИРАТО ва банклар уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда молиявий инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайерлаш, ўзаро ахборот айлантириш, банк менежментининг илгор технологияларини жорий этиш сингари ишлар кўзда тутилган.

Банклар уюшмасида бўлиб ўтган давра суҳбатиди АФИРАТО делегацияси вакиллари республикаимиз ти- жорат банклари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимизда молиявий воситачиликнинг иқтисос- лаштирилган бу тури ривожланиши учун катта имконият- лар мавжудлиги қайд этилди.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

ФАЛОКАТ РЎЙ БЕРМАСИН

Дунёда фақат одамзотгина ўз ақлу зоковати, тадбиркорлиги ва атрофидаги воқеаларга хушёр қараш билан рўй бериши мумкин бўлган турли ноҳушликларнинг имкон даражасида олдини олишга, талафотларни камайтириш қобилиятига эга. Албатта бунинг учун қўл қовуштириб ўтир- маслиги, тасодиқларга бефарқ қарамаслиги, оқилона фаолият юргизиши керак бўлади.

Шу йилнинг 29 апрель кунини вилоят ҳокимлигида вилоятда кўнчи, сел ва бошқа табиий офатларнинг олдини олишга бағишлан- ган йиғилишнинг маъмуни ва ҳоияти замирида ана шу мавзу ўз аксини топди.

Йиғилишда вилоят ҳоки- ми ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, фав- қулодда вазиятлар бошқ- арма, бўлимлари бошқик- лари, қишлоқ ва сув хўжа- лиги вазирлиги, Республи- ка Давлат геология кўми- таси, Бош гидрометеоро- логия хизмати масъул хо- димлари иштирок этдилар.

Йиғилишнинг вилоят ҳоки- мининг биринчи ўринбо- сари Ҳамидулла Асатов бошқарди.

Йиғилишда кун тартиби- даги “Вилоятда кўнчи, сел ва бошқа табиий офатлар- нинг олдини олиш тўғри- сида”ги масала юзасидан вилоят Фавқулодда вази- рлар бошқармаси бош- лиги Темир Азимовнинг ахбороти тингланди.

Хар қачонгидек, бу йил ҳам баҳор мавсумида вило- ятда рўй бериши мум- кин бўлган фалокатларнинг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширил- ди. Хусусан, Ангрен шаҳ- ри, Бўстонлиқ, Оҳангарон,

ШАҲИДЛАР ХОКИ КЕЛТИРИЛДИ

Оҳангарон шаҳридаги марказий қабристонга ик- кинчи Ҳажон урушида ҳалок бўлган оҳангаронлик 59 кишининг хоки олиб келиниб, ёзат-икром би- лан дафн этилди.

Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, инсон умр бўйи мана шу дақиқаларни кутиб яшайди, изланади, кураша- ди, меҳнат қилади. Бу йўлда унинг чеккан заҳматлари ҳам, эришган ютуқлари ҳам ниҳоятда муқаддас санала- ди.

Оҳангарон шаҳар “Нуро- ний” жамғармаси раиси, 77

9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни

йигитларнинг шонли умр йўли ҳақида ўртаниб, ёниб хотира- лар ёзди. Уларнинг жасорати- ни баҳоли қудрат китобларга жамлади. Бугун Аҳром аканинг армонлари рўбга чиқди. Оҳан- гаронлик 59 нафар жангчининг жисми ўз она Ватанига қайтиб келди. Уларни иззат-икром би- лан тупроқ бағрига топширди- лар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу савобли ишнинг амалга ошишига Шавкат Ко- милов, Ўткир Ҳайдаров, Жўра Насриддинов, Дўстилла Шуку- ров, Иван Красний сингари иш- билармон, тадбиркор кишилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шаҳар қабристониди шинам-

гина биродарлик хотира тах- таси ўрнатилди. Шаҳидлар- нинг исми-шарифлари мар- мар тахталарга ёзилди. Шу кунини бу ерга йиғилган уруш ва меҳнат фахрийлари, жа- моат ташкилотларининг ва- киллари тинчлигимиз, хотир- жамлигимиз, бугунги дори- ламон кунларимиз ихобати бўлмиш дамлаларга етиб ке- лишганига шукроналар ай- тишди. Марҳумлар хотира- сига ош тортилиб, тиловат- лар қилинди. Зеро, инсон азиз, хотира эса муқаддас эканлиги бу савобли ишда яна бир ўз ифодасини то- пди.

Нурали АБДУРАСУЛОВ

ЎТГАНЛАР РУҲИ ШОД БЎЛДИ

да қолишадигани йўқ. Ота-бо- болари, волидаи-муҳтарамала- ри, ёру-дўстлари ётган қабри- стонни ободонлаштириш ишла- рида ёш қари барабар ишти- роқ этди. Ҳашарда Навоий номи маҳалла кўмитаси раи- си Аҳрорхўжа Иброҳимхўжаев, уруш ва меҳнат фахрийлари Фаттоҳ Исмоилов, Саидолим

Пардахўжаев, Қулмаҳаммад Аб- дуллаев, Шарифхўжа Саидис- ломовлар бош-қош бўлишди. Умуман, нафақат Кавардон қишлоғида, балки, туманимиз- нинг ҳар бир маҳалласи, му- ассаса ва ташкилотларида “Хо- тира ва Қадрлаш” кўнига қиз- гин тайёргарлик авж олиб ке- тган. Ўтганлар руҳини эслаш,

уларнинг хотирасига бағиш- лаб ўтказиладиган тадбирлар режасини тузиш каби юмуш- лар амалга ошириб бўлинди. 9 май кунини ҳамкишлоқла- рим ҳам бу табаруқ айёмида иштирок этадилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

ПУДРАТЧИЛАР ИШЛОВНИ БОШЛАШДИ

Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов но- ми ширкат хўжалигида гўзани ағаналаш, би- ринчи озиқлантириш ва қатор ораларини ю- шатиш ишлари уюшқоқлик билан олиб бори- моқда.

Кейинги беш йилдан буён хўжаликда “С-6524” гўза нави экиб келинади. Пудрат- чилар бу нав агротехника- сини обдон пухта эгналла- ган. Шу боис ҳосилдорлик ҳам барқарор. Жумладан, ўтган йили 710 гектар май- дондан режадаги 1890 тон- на ўрнига 1960 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосил- дорлик қариб 28 центнер- данга тўғри келди.

Бу йил ҳам 178 пудратчи оилага бўлиб берилган 710 гектар майдонга шу нав чигит қадалди. Энг сўнгги кун, яъни 14 апрель кунини уруғ ташланган майдонлар- да ҳам ҳозир чигит текис униб чиқиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинган. Айни кун- ларда пешма-пеш культиват- ция ўтказилиб, бирийўла би-



Баҳор юмушлари

бўлингани учун ниҳолларни ағаналашга ҳам биринчи бўлиб киришилган эди. Кет- ма-кет ўғит берилиб, қатор оралари сифатли юмшати- лган майдонлардаги гўза ни- ҳоллари дурқун ривожланмоқ- да. Тажрибали механизатор Камолддин Исроилов куль- тивация ўтказган майдонлар- да пудратчилар қўли чоғини- га зур беришиб, бегона ўтлар ривожланишининг олдини ол- моқдалар.

— Биз ҳеч қачон 30 цент- нердан кам ҳосил олмаймиз, — дейди Т. Одилов. — Бу йил давлатга қамиди 200 тонна сифатли хомашё еткази- зиб беришни мўлжалляймиз. Гўзамизнинг бугунги ривожини ушбу ниятимизнинг рўбга чиқишидан далолат бериб турибди.

С. САРИМСОҚОВ.
СУРАТДА: Бош пудратчи Турғун Одилов
культивация ўтказиётган майдондаги ниҳоллар ҳолатини кўздан кечирмоқда.
Даврон АҲМАД олган сурат.

"Шарк" нашіріет-матбаа концерни босмахонаси.		Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206.	Босишга топшириш вакти - 20.00.	Босишга топширилди - 19.00.	1	2	3	4	5	6
--	--	--	--	---------------------------------	-----------------------------	---	---	---	---	---	---